Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 93 (5384).
23 АПРЕЛЬ 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирингиз! 1984 йил планини ва умуман беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажарайлик!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).

ЗАФАРЛАРИМИЗ— БИРИНЧИ МАЙГА!

Область мукофоти лауреатлари

«МЕҲНАТ—МЕНИНГ ҲАЁТИМ»

МАРИЯ Ивановна Володинанинг меҳнат дафтарчасида фақат бир корхона — «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси кўрсатилган. Унда албатта ёзувлар кўп. Лекин бу ёзувларнинг барчаси «Мукофотлар ва рағбатлантиришлар» бўлимида битилган. Меҳнат дафтарчаси берилган вақт — 1955 йил. Мария Ивановна ўша йили фабрикага ишга келган эди. Ўз меҳнат фаолиятини бошлайдиган бошқа қизлар сингари уни ҳам шогирдликка қабул қилдилар. Аммо икки ойдан кейин у мустақил ишлай бошлади.

— Қадимдан опа-сингилларимиз каштачилик, тикувчилик билан шуғулланиб келган, — дейди Мария Ивановна. — Эндиликда эса саноат ишлаб чиқарган буюмлар қўл ҳунари буюмларининг ўрнини босмоқда. Илгари аёллар бажарган ишлар соҳибини эндиликда «тикувчи-мотористка» деб аташади. Нима ҳам дердик, замон шуни талаб этади. Аммо баъзида ўйлаб қоламан: бундан йигирма беш — ўттиз йил муқаддам қўл ҳунарини деярли барча қизлар яхши билишарди. Бу соҳадаги малакалар онадан қизга, авлоддан-авлодга ўтиб келарди. Эндиликда эса биз бичиш-тикиш курслари очамиз, чунки тикувчилик касби ўз оммавийлигини йўқотиб бормоқда.

Мария Ивановна Володина ҳамиша танлаган ихтисосига алоҳида муҳаббат билан қараб келади. Цехдаги дугоналари у брак маҳсулот ишлаб чиқарганлигини эслолмайдилар. У бошқаларнинг ҳам бундай қилишига йўл қўймайди. Шундай ибратли воқеани хотирлайдилар. Яқинда ишга келган қизлардан бирини операциянинг охирги бўғинига қўйдилар. Бу ерда барча технология жараёнининг натижаси кўзга ташланади. У навбатдаги пальтонинг енги нотўғри қўндирилганини кўрди-ю, индамади. Балки дугоналарини ҳафа қилмасликни ўйлаган, бир амаллаб ўтиб кетар, деб хаёл қилган бўлса керак. Аммо ОТК назоратчилари бракни пайқадилар, буюмни қайтардилар. Коллективда бундай воқеа кўп вақтдан бери рўй бермаганди. Йиғилиш ўтказдилар. Унда Володина гапирди. «Қизлар тушунсаларинг-чи, — деди у, — бракни яшириш билан бригаданинг шарафини сақлаб қололмайсиз, аксинча унга доғ тушурасиз». Бу сабоқ ўз самарасини берди.

— Мария Ивановна барча янгиликларнинг тарафдоридир, — деб ҳисоблайди потокнинг уч бригадиридан бири Людмила Николаевна Егорова, —аслини олганда одам 30 йил бир жойда ишлаганидан кейин, мавжуд меҳнат шароитига кўникиб қолади, ҳар хил ўзгаришлардан ўзини тортади. Аммо Мария Ивановна тиниб-тинчимайдиган одам. Тошкентлик тўққиз ишлаб чиқариш илғори сафида бирлашмамиз бригадири Ольга Павлова меҳнат унумдорлигини пландагидан ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ташаббуси билан чиққанида Володина бу фикрни коллективда муҳокама қилиб, уни қўллаб-қувватлашга қарор қилди.

— Ҳаётимни меҳнатсиз тасаввур қила олмайман, — дейди М. И. Володина. — Тикувчилик меҳнатига қизиқиш, муҳаббатни ёшларда ҳам тарбиялашга интиламан. Ҳаётда эришган барча ҳурмат ва эътиборга ўз ишчи қўлларим, ўзим меҳнат қилаётган коллектив туфайли сазовор бўлдим. Эндиликда ортга назар ташлаш, қилинган ишларга баҳо бериш мумкин. Асосан қилган ишларим тўғри бўлган деб ҳисоблайман.

С. ЕЖКОВ.

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Сергели темир-бетон комбинатида коллектив аъзоларининг турар жой шароитларини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Завод посёлкасида турар жой ва маданий-маиший бинолар қуриш юксак суръатда олиб борилмоқда. 64 квартирали ана шундай уйлардан бирини 1984 йилнинг III кварталида фойдаланишга топшириш мўлжалланган эди. Бироқ партия бюроси ва завод комитетининг кенгайтирилган қўшма мажлисида ишчиларнинг ташаббусини инобатга олиб, қурилиш муддатини тезлаштиришга қарор қилинди.

Ташаббускор коллективга бу ишда ҳам анъанавий ҳашар ёрдам берди. Бўлғувчи квартиралар эгалари «Средазтрансстрой» трести 623-қурилиш-монтаж поезди қурувчилари билан ҳамкорликда зарбдорона ишга киришдилар. Заводда ўз сменасида ишни тугаллагач, слесарлар бригадири В. Барханцев, созловчилар У. Гаезов ва А. Тарасов, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси С. Шевелев ва бошқалар янги уй қурилишида иштиёқ билан меҳнат қилдилар. Қурувчи ва ишчиларнинг ҳамжиҳат меҳнати туфайли янги уй йилнинг биринчи кварталида муддатидан илгари қуриб битирилди.

КОЛЛЕКТИВ КУЧ-ҒАЙРАТИ ЯКУНИ

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси кабель цехининг партия группаси ташкилотчиси Н. Шадрин бошчилигидаги коммунистлар ўз участкаларида меҳнат унумдорлигини оширишни жадаллаштиришдан иборат партия топшириғини бажардилар. Илгари қолоқ бўлган бригада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб 1984 йил 4 ойи планини муддатидан илгари бажарди.

Яқиндагина бу коллективда смена топшириғини бир ярим-икки баравар ошириб бажараётган тажрибали ишчилар қаторида нормани уддалай олмаётган ёш ишчилар оз эмасди. Партия йиғилишида коммунистларга ёш кадрлар тайёрлашни ўз назоратларига олиш вазифаси топширилди. Шундай қилиб, участкада коммунистиқ меҳнат мактаби ташкил этилди. Унинг тингловчилари — В. Рачков, Д. Подгорский, Х. Акрамов ва уларнинг кўпгина ўртоқлари тажрибали мастерлар раҳбарлигида малакаларини тез оширдилар, турдош касбларни ҳам эгалладилар. Участкада коммунистлар ташаббуси билан ўтказилган умумий йиғилишда ишчилар бригада методи билан ишлаш истагини билдирдилар. Партия группаси коллективда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, материаллар билан таъминлашни яхшилаш чораларини кўрди, кабелларни бронлаш илғор технологияси жорий этилдики, ишдаги икки операцияни бир йўла бажаришга имкон беради. Натижада бригададаги меҳнат унумдорлиги пландан ошиб кетди.

(ЎзТАГ).

Ушбу суратда «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси механика цехининг пешқадам ишчиси Валерий Погореловни кўриб турибсиз. Унинг бу ерда меҳнат қилаётганига 8 йил бўлди. Шу вақт ичида токарлик касбини пухта эгаллаб олди. Ҳозир В. Погорелов республикамиз юбилейини муносиб кутиб олишга интилиб, вақтдан ўзиб меҳнат қилаяпти.

А. Тўраев фотоси.

ЯНА БИР ФИЛИАЛ

Шу кунларда «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг Жиззах области «Москва» колхозидаги филиалида янги қувватларни ишга тушириш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Филиал ўтган йилнинг охирида ташкил қилинган. Янги йилнинг январь ойидаёқ филиалда маҳсулотнинг дастлабки катта туркуми—10 мингта трикотаж буюмлар муваффақият билан тайёрланди. Февраль ойида республика савдо тармоқларига 75 мингта буюм, март ойида эса ип-газламадан тайёрланган 200 мингта маҳсулот ўз вақтида савдо тармоқларига етказиб берилди.

Янги филиалнинг лойиҳа бўйича қуввати бир йилда 5 миллионта трикотаж буюм тайёрлаб беришдан иборатдир. Тўқув ва тикув дастгоҳлари жойланадиган корпусда 500 нафарга яқин маҳаллий ишчилар меҳнат қилишади.

Ёш коллективга ҳақиқий маънода катта техникавий ёрдам берилмоқда. Пойтахтдаги бош корхона, Жиззах устки трикотаж фабрикаси ҳамда республикадаги бошқа турдош корхоналарнинг мутахассислари филиалнинг тўла қувватда ишлашини таъминлаш учун яқиндан мададкор бўлишмоқда.

БУГУН

«Средазтрансстрой» трести бунёдкорлари 104 квартирали янги турар жой биносини қуришга киришдилар. Янги бино фойдаланишга топширилиши билан завод меҳнаткашларининг яна кўплаб оилалари шинам ва қулай хоналарга кўчиб чиқишади.

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШ ОДИМЛАРИ

1. ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИДА

Репортаж

«Космонавтлар проспекти» станциясига Ленин кўчасидан тушиб бориш мумкин. Платформада иш ниҳоясига етиб бораётган бўлса ҳам станциянинг шу кўчадаги вестибюли деярли тайёр. Платформанинг иккала томонида Ватанимиз космонавтикасининг тараққиёти, унинг тарихини акс эттирувчи ўн икки безакли панно жойлашган. Бу ерда Циолковский, Королев, ер куррасининг тўнғич космонавти Гагариннинг портретлари қўйилган, рассомларнинг асарларида Совет—Америка космик ҳамкорлик парвози ҳам ифодасини топган. Деворларнинг мовий колонналарнинг зумрад туси станциянинг бадиий қиёфасига файз бахш этган.

Станцияда «Ташметрострой» трестининг 2-қурилиш-монтаж бошқармаси ва «Союзметроспецстрой» трестининг бригадалари пардозлаш ишларини олиб боришяпти. Бригадаларга Вадим Оганесян ва Солиҳ Валиев раҳбарлик қилишмоқда. Ҳозир улар алюминли бўғотни пардозлашяпти, «Космонавтлар проспекти» кўчасидан бориладиган кириш йўли безакдан чиқариляпти. Александр Холматов, Борис Кривопалов, Борис Кульсинов, Вячеслав Югай меҳнатда арзигулик ютуқларга эришмоқдалар. Станцияда пардозлаш ишлари яқин кунларда ниҳоясига етади.

Биз худди шу ердан дрезинада «Ойбек» станциясигача йўл оламиз. Станциягача бўлган перегон тўла тайёр қилинган, рельслар ётқизилган. Огоҳлантирувчи сигнал овозини берган дрезина ўрнидан оҳиста қўзғалади. Олдинда сайқалдан чиқарилган, навбатчи чироқ билан ёритилаётган тоннель турибди. Бугун дрезинада биз билан бирга «Ташметрострой» трести бошқарувчиси Павел Васильевич Семёнов ҳам боряпти. У бир минут олдин қурувчиларга сўнгги кўрсатма берган эди, ҳозир эса уларнинг қўли гул эканлигига фахр билан назар ташламоқда.

— Жанжаллашамиз, баҳслашамиз, натижада мана сиз кўриб турган қандай ажойиб гўзаллик намоён бўлган, — дейди у. — Чиндан ҳам гўзал. Олдинда қуёш нури кўриняпти. Худди ўша ерда тоннель кесишади. У ерда «Ойбек» станцияси қурилиши олиб борилмоқда.

* * *

СУРАТДА: «Космонавтлар проспекти» метро станцияси шундай кўринмоқда.

М. Ямщиков фотоси.

• Идеология ишлари хроникаси

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Куйбишев район «Билим» жамияти ташкилоти правлениесининг пленуми бўлиб ўтди. Унда правление раиси, профессор Ш. Шомансуров КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари асосида лекция пропагандасининг таъсирчанлигини кучайтириш, бошланғич ташкилотларнинг ролини ошириш вазифалари тўғрисида гапирди. Айниқса лак-бўёқ заводи, «Средазкабель», «Узбекхлопкомаш» бирлашмалари, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ва бошқа бир қатор корхона ва муассасаларнинг «Билим» жамияти ташкилотлари амалга ошираётган ибратли ишлар қайд этиб ўтилди, лекция пропагандасини янада такомиллаштириш тадбирлари белгиланди.

СТУДЕНТЛАР КИНОЛЕКТОРИЙСИ

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг маданият саройида «Билим» жамиятининг университет ташкилоти уюштирган «Чет элларда» кинолекторийсида юқори курс студентлари учун машғулот ўтказилди.

Унда СССР Журналистлар союзининг аъзоси К. Немировский буржуа пропагандасига қарши курашда кинонинг роли тўғрисида лекция ўқиди. Машғулотда фильмлардан парчалар кўрсатилди.

«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

● Дания ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги актив фаолияти ҳамда ташкил этилганлигининг 60 йиллиги муносабати билан «Дания—СССР» жамиятини Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

● «Коммунистларнинг муҳим вазифалари» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари босилган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА 1984 ЙИЛГИ ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитетининг таклифини кўриб чиқиб, қарор қиладилар:

Фан ва техника соҳасидаги 1984 йилги Ленин мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

1. Физика-математика фанлари доктори, СССР Фанлар академияси Химиявий физика институти лабораториясининг мудири Герман Константинович **Васильев**га, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, шу институт директорининг ўринбосари Виктор Львович **Тальроза**га, физика-математика фанлари доктори, СССР Фанлар академияси П. Н. Лебедев номидаги Физика институтининг бўлим мудири Анатолий Николаевич **Ораевский**га, физика-математика фанлари кандидати, шу институтнинг катта илмий ходими Евгений Павлович **Маркин**га, — 1963—1978 йилларда эълон қилинган «Занжирсимон реакцияли химиявий лазерларнинг фундаменталь тадқиқотлари» ишлар туркуми учун.

2. И. В. Курчатов номидаги Атом энергияси институти бўлимининг директори, академик Борис Борисович **Кадомцев**га, шу институт ходимлари — бўлим бошлиғи, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Виталий Дмитриевич **Шафранов**га, лаборатория бошлиғи, физика-математика фанлари доктори Олег Павлович **Погуца**га, СССР Фанлар академияси Космик тадқиқотлар институтининг директори, академик Роальд Зиннурович **Сагдеев**га, шу институтнинг бўлим мудири, физика-математика фанлари доктори Альберт Абубакирович **Галеев**га, СССР Фанлар академияси Умумий физика институти лабораториясининг мудири, физика-математика фанлари доктори Лев Михайлович **Коврижных**га — 1959—1980 йилларда эълон қилинган «Термоядро тороидаль плазма назарияси» ишлар туркуми учун.

3. СССР Фанлар академияси А. В. Топчиев номидаги Нефть химияси синтези институти лабораториясининг мудири, академик Борис Александрович **Долгоплоск**га, шу институт катта илмий ходими, химия фанлари доктори Елена Ивановна **Тинякова**га, — 1969—1982 йилларда эълон қилинган «Полимерлаш жараёнларидаги металл органик катализ» ишлар туркуми учун.

4. М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг кафедра мудири, академик Олег Александрович **Реутов**га, —1953—1982 йилларда эълон қилинган «Ўтимсиз металлар металл органик химияси соҳасидаги тадқиқотлар» ишлар туркуми учун.

5. СССР Фанлар академияси Химиявий физика институтининг бўлим мудири, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Иосиф Абрамович **Рапопорт**га, — «Химиявий мутагенез ҳодисаси ва уни генетик ўрганиш» ишлар туркуми учун.

6. М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг кафедра мудири, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси Валентин Лаврентьевич **Янин**га, тарих фанлари доктори Борис Александрович **Колчин**га — 1978—1982 йилларда эълон қилинган «Новгороднинг тарихи ва археологиясини тадқиқ қилиш» ишлар туркуми учун.

7. К. Э. Циолковский номидаги Москва авиация технологияси институтининг кафедра мудири, техника фанлари доктори, иш раҳбари Николай Федотович **Казаков**га, шу институт катта инженери Николай Александрович **Лакин**га, Тамбовдаги «Комсомолец» химия машинасозлиги заводининг директори, техника фанлари кандидати Николай Степанович **Артёмов**га, илмий-тадқиқот институти бўлимининг бошлиғи, техника фанлари кандидати Евгений Алексеевич **Котюргин**га, Украина ССР Фанлар академияси Е. О. Патон номидаги Электр пайвандлаш институти лабораторияларининг мудирлари, техника фанлари кандидатлари Юзеф Болеславович **Малевский**га, Геннадий Константинович **Харченко**га — металл ва нометалл материалларни диффузия усулида пайванд қилишни ишлаб чиққанликлари ва ишлаб чиқаришга кенг жорий этганликлари учун.

КПСС Марказий Комитетининг
Секретари
К. ЧЕРНЕНКО.

СССР Министрлар Советининг
Раиси
Н. ТИХОНОВ.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА 1984 ЙИЛГИ ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитетининг таклифларини кўриб чиқиб, қуйидагиларга 1984 йилги Ленин мукофотларини беришга қарор қилдилар:

1. СССР халқ артисти, режиссёр Сергей Апполинариевич **Герасимов**га, — сўнгги йиллардаги кинофильмлари учун.

2. Ҳайкалтарошлар — СССР халқ архитектори, иш раҳбари Виктор Дмитриевич **Елизаров**га, СССР халқ рассоми Василий Захарович **Бородай**га, Арманистон ССРда хизмат кўрсатган рассом Фридрих Мкртичевич **Собоянга**, — Киев шаҳридаги «1941—1945 йиллар Улуғ Ватан уруши тарихи Украина давлат музейи» ёдгорлик комплекси учун.

3. Бошқирдистон халқ шоири Мустай **Карим**га (Мустафо Сафич Каримов), — «Жуда узоқ давом эттан болалик» қиссаси ва «Оловни ташлама, Прометей!» трагедияси учун.

4. СССР халқ рассоми Андрей Андреевич **Мильников**га, — «Испан триптихи» («Коррида», «Парчинлаш», «Гариса Лорканинг ўлими» расмлари) учун.

5. СССР халқ артисти Сергей Владимирович **Образцов**га, — кейинги йиллардаги спектакллари ва фильмлари учун. (Болаларга аталган адабиёт ва санъат асарлари учун бериладиган мукофот).

6. СССР халқ рассоми, ҳайкалтарош Владимир Ефимович **Цигал**га, архитекторлар — Роман Григорьевич **Кананин**га, Владимир Иосифович **Хавин**га, — Новороссийск шаҳридаги «Гражданлар уруши ва 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларига» ёдгорлик комплекси учун.

7. СССР халқ артисти, композитор Родион Константинович **Шчедрин**га, — кейинги йиллардаги асарлари: «Ўлик жонлар» операси, хор учун ёзилган «Пугачевнинг қатл этилиши» поэмаси, симфоник оркестр учун ёзилган «Тантанали увертюра» учун.

КПСС Марказий Комитетининг
Секретари
К. ЧЕРНЕНКО.

СССР Министрлар Советининг
Раиси
Н. ТИХОНОВ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Пойтахтимизда доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллигига бағишланган оммавий-сиёсий адабиётлар ҳафталиги давом этмоқда. Горький номидаги маданият ва истироҳат боғида китоб бозори очилди. Шаҳардаги кўпгина китоб магазинларида оммавий-сиёсий адабиётларга обуналар қабул қилинмоқда. Кутубхоналар ва олий ўқув юртларида партия ветеранлари, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказилди.

●

Пойтахтимизда ўз гастролларини давом эттираётган А. А. Брянцев номли Ленинград ёш томошабинлар театри ижодкорлари Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри биносида «Бемби» спектаклини тошкентлик санъат мухлислари эътиборига ҳавола этадилар.

●

«Ташметрострой» трестининг иккинчи тоннель отрядидаги Л. Г. Токарчук бошлиқ бригада метронинг Навоий, станциясида бунёд бўлаётган гумбазнинг ҳошияларини монтаж қилишга киришди. Отряд коллективи яқинда меҳнат стажининг йигирма беш йиллигини нишонлади. Бундан ўн йил муқаддам худди ана шу отряд базасида пойтахт ер остки магистралини бунёд этаётган трест ташкил этилган эди,

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 24 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво ўзгариб туради, кундузи бироз ёмғир ёғади, кечаси 17—19, кундузи 20—22 даража иссиқ бўлади.

• Беш йиллик ва коммунист

ПЛЕНУМ ҚАРОРЛАРИГА ЖАВОБАН

КПСС XXVI съезди номидаги Тошкент чинни заводи коллективи 1983 йил республика социалистик мусобақаси ғолиби бўлиб, сурункасига бешинчи марта Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи, дипломи ва пул мукофотини олишга сазовор бўлди. Яқинда заводда бўлганимизда партком секретари ўртоқ Ш. Пўлатов коллективнинг шу кунлардаги меҳнат ғайрат-шижоати ҳақида гапириб берди.

— КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун курашаётган заводимиз коммунистлари, комсомоллари — жами 1500 нафардан ортиқ зарбдор зиммаларига олган мажбуриятларни ошириб бажаришга интилмоқдалар.

Ўнинчи беш йилликда сурункасига республика социалистик мусобақаси ғолиби бўлиб, республика байроғини олиш шарафига муяссар бўлганимиз келгуси зафарларимиз омили бўлди. 1983 йилда салкам 13 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Моҳир чиннисозлар тайёрлаётган ажойиб, нафис «Оқ олтин», «Баҳор», «Тонг», «Пахта», «Хонатлас», «Оҳу» деб номланган сервизлар қардош социалистик республикаларда ташкил этилаётган кўргазмаларда юксак баҳо олмоқда, жаҳоннинг жуда кўп мамлакатлари пойтахтларидаги кўргазмаларда Тошкент сервизи олтин, кумуш, бронза медалларига сазовор бўлган. Ўнлаб чиннисозларимизнинг кўксини эса улуғ Ватанимизнинг олий мукофотлари — Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, Октябрь революцияси, Ҳурмат белгиси орденлари ва кўплаб медаллар безаб турибди. Капиталистик мамлакатларда уюштирилган кўргазмаларда ҳам заводимиз маҳсулотлари олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлди.

... Ҳа, ёши эндигина 30 га етган, собиқ кулолчилик цехидан йирик, замонавий техника ва технология билан жиҳозланган корхонанинг қадами илдам. Чиннисозлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи шарафига зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Ишчи, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар орасида 183 коммунист, 550 дан ортиқ комсомол аъзоси, 2000 дан ортиқ касаба союз аъзолари зарбдорона меҳнат қилишяпти.

Бригада пудрати асосида ишлаётган 15 бригада коллективи 1 октябргача ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йили планларини бажаришга сўз беришган.

Коммунистлардан — Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Дилбар Орифжонова, Собир Раҳимов район Совети депутати Фотима Исроилова, Шукур Ғиёсов, Мирҳайдар Пўлатов, Ҳамид Шарипов сингари юзлаб илғор ишчилар юбилейни 4 йиллик планларини бажариш билан нишонлашга аҳд қилганлар.

Шу кунларда юбилейга аталган совға буюмларни тайёрлаш қизғин боряпти.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил), февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко нутқларида илгари сурилган вазифаларни бажариш учун улар ҳар бир дақиқа қадрига етиб ишламоқдалар. Юбилей йили учун қабул этилган социалистик мажбуриятларда йиллик планни 26 декабргача бажариш, планга қўшимча 300 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш кўзда тутилган.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленумининг меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент оширишга ва маҳсулот таннархини қўшимча равишда 0,5 процент камайтиришга эришиш ҳақидаги даъватини қўллаб-қувватлаган чиннисозлар коммунистлар етакчилигида меҳнат унумдорлигини қўшимча 1 процент оширишдан корхонага 130 минг сўм, маҳсулот таннархини қўшимча равишда 0,5 процент камайтиришдан эса 51 минг сўм иқтисодий фойда келтириш учун курашмоқдалар.

«Зарбдор меҳнатимиз — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига!» шиори остида барча цех ва участкаларда жўшқин меҳ лаётган чиннисозлар йили биринчи кварта сулот реализация топшириғини 75 ми га ошириб адо этишд

Олий навли маҳсулот лаб чиқариш топ 159,2 процент бажа меҳнат унумдорлигини риш топшириғи эс процент ошириб адо э

Бир сўз билан коммунистлар бош ган кўпминг кишилик лектив ўз аҳдига содиқ бўлишга инти партиямиз Марказий тети кейинги Пленум қарорларига амалий иш лан жавоб бериш ният унумли меҳнат қилмо

Т. НАЖМ

«Тошкент оқшом жамоатчи мухбири.

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

«ТЎҚҚИЗЛАР ТАШАББУСИ» —АМАЛДА

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ, МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ АРЗОНЛАШТИРИШ БЎЙИЧА РЕЗЕРВЛАРНИ ҚИДИРИБ, ЯНГИ МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАШАЯПТИ.

Дастлаб улар тўққизта эди. Меҳнат илғорлари ташаббус кўрсатиб Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақа ташаббускорлари бўлишди. Бу ҳаракатга аниқ ва катта мазмун бахш этиб, асосий кўрсаткич бўлган меҳнат унумдорлигини топшириққа қўшимча бир процент ўстириш, маҳсулот таннархини планга қўшимча ярим процент пасайтиришни таъминлашга ваъда бердилар.

Бир ва ярим процент!.. Бир қарашда булар унча катта рақамга ўхшамайди. Лекин бу илгари эришилган маррага қўшимча-ку. Бу эса ишлаб чиқариш фаолияти тажрибаси бир хил бўлмаган меҳнат суръатидан юзага келади. Бу марра ҳар бир меҳнат сменаси, ҳар бир коллективнинг иш нормаси бўлса, бунда қандай самарага эришиш мумкин?

Ҳозир шаҳар саноатининг турли соҳаларида 10 мингга яқин бригада ишлаб турибди, уларга ишбай-ишчиларнинг 60 процентга яқини қамраб олинган. Агар бу бригадаларнинг ҳар бири меҳнат унумдорлигини фақат 1 процентга оширса, йил охиригача планга қўшимча 2 миллион сўмлик турли хил халқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

Меҳнат унумдорлигининг 1 процент ўсиши шаҳардаги қурилиш-монтаж ва транспорт ташкилотлари учун ҳам яхши самара беради.

...Дастлаб шонли ҳаракатнинг бошловчилари 9 бригададан иборат эди. Бугунги кунда уларнинг ортидан минглаб бригадалар боряпти.

Биз бу ташаббуснинг ижодкорлари ва уларнинг издошлари ҳақидаги ҳикоямизни давом эттирамиз.

Мижозлар яхши ишласин

Ольга КАРПОВА,
«Ташсельмаш» заводи бригадири.

— Шубҳасиз, пахта териш машинасида ҳамма узел ва агрегатлар муҳим. Лекин қишлоқ механизаторлари шуни яхши билишадики, «оқ олтин»ни теришдаги сифат ва самарадорлик биринчи навбатда пахтани оладиган аппаратларнинг ишига боғлиқ. Энг муҳим деталлардан бири эса шпинделлардир. Айнан шпинделлар чаноқдаги толани олади. Улар қай даражада сифатли тайёрланганлигига комбайннинг ҳаракат тезлиги бункердаги пахта сифати бевосита боғлиқ бўлади.

Бизнинг коллективимиз мана шу энг муҳим деталини тайёрлайди. Ишчиларимиз энг мураккаб операциялардан бўлган фрезерлаш ишини амалга оширади. Бригадада 18 киши бор, ҳар бири ўртача камида 464 шпинделни ишлаши керак. Одатда биз 500 ва ундан ортиқ шпиндель тайёрлаймиз. Натижада январь ойининг ўзида меҳнат унумдорлиги 10 процентдан ортди. Бу қўшимча 17,5 минг деталь тайёрлаш имконини берди. Бу ғоят муҳим. Йиғув ишларида бу деталга бўлган эҳтиёж катта.

Февраль ойида коллектив 164 минг шпиндель тайёрлади. Бу пландагидан анча ортиқ. Март ойи кўрсаткичи эса 170,7 мингни ташкил этди.

Умумий кўрсаткичларга қараганда, биз ойма ой тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини ошириб бораяпмиз. Фрезерчилар Валентина Трофимова, Лидия Норматова, Раиса Калмурзина, Надежда Чалишева ва бошқалар юксак кўрсаткичларга эришаяпти. Айрим сменаларда улар 580—600 буюм тайёрлашмоқда.

Меҳнат унумдорлигини ошириш учун кўпгина фрезерчилар иккитадан станокка хизмат кўрсатишяпти. Иш куни арафасида топшириқни бажариш учун пухта тайёргарлик кўрилади, иш вақтини зичлаштиришади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатаяптики, ишлаб чиқариш кўрсаткичини бемалол ошириш мумкин. Хўш, ишга нима халақит бераяпти?

Бугунги кунда биз Кировограддаги қаттиқ қотишмалар заводи билан қатъий ҳисоб-китоб юритмоқчимиз. Бу корхона фреза комплекти учун тайёрланаётган қоплама пластинлар эталонга жавоб бермайди. Улар ГОСТ талабларидан анча чеккага чиққан — етарли даражада мустаҳкам эмас. Натижада фрезалар тез ишдан чиқиб, уларни алмаштириш лозим бўлади. Бу ускуналарни тўхтатиб қўйиш, уларни қайта созлаш, ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган нормадан ортиқча вақт йўқолиши демакдир. Хўш бу масалада бизга қандай ёрдам берса бўлади?

Бу ишчилар ўз ишлаб чиқариш участкаларига мана шундай табассум, яхши кайфият билан боришади. Уларнинг олдида бошлиқлари — «Ташсельмаш»даги фрезерчилар бригадаси бошлиғи О. Карпова боряпти.

Ольга Григорьевна шаҳарда оммалашган ҳаракатнинг ташаббускорларидан. У меҳнат унумдорлигини иложи борича ошириш, меҳнат ҳажмини ва таннархини 0,5 процентга арзонлаштириш, пландаги маҳсулотни оз ишчилар сони билан ишлаб чиқаришга ваъда берган.

СУРАТДА: «Ташсельмаш» фрезерчилар бригадаси бошлиғи О. Карпова (ўртада). М. Нуриддинов фотоси.

Ваъдага вафо қилдик

Иван ЛИСИЙ,
«Ташметрострой» тресті лаҳимчилар бригадаси бошлиғи.

— Тошкент метрополитенининг биринчи навбати Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларидан биридир. Республикамизнинг шонли юбилейига қадар метронинг узунлиги 5 километрдан зиёд бўлган яна бир янги линияси муддатидан бир йилдан зиёд илгари фойдаланишга топширилади.

Янги линия станцияларини тез ва соз ишга тушириш метросозларнинг шу кундаги асосий вазифасидир. Масалан, мен етакчилик қилаётган комплекслашган бригада шу йилнинг биринчи кварталида қабул қилган мажбуриятини муваффақиятли бажарди. «Ойбек» станциясининг вестюбюлида қурилиш-монтаж ишларини анча илгари тугаллаб, пардозчиларга топширдик.

Шу кунларда бригадамиз вентиляция камералари қурилишида меҳнат қилмоқда. Бу участкада ҳам меҳнат мароми юқори бўляпти. Бунга бригада аъзоларининг малакасини тинмай ошириш, турдош касбларни пухта эгаллаб олиш, меҳнат ва технология интизомларига қатъий риоя этиш туфайли эришмоқдамиз.

Ҳозирда бизнинг коллективимиз беш йиллик планни 1985 йилнинг 1 январига қадар бажариш учун курашмоқда. Биз бунга кам маблағ ва вақт сарфлаб, кўп иш бажариш туфайли эришишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Метросозлар КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми қарорларига амалий жавоб бериб, меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процент ошириш, қурилиш-монтаж ишлари таннархини 0,5 процент қисқартириш учун астойдил курашмоқдалар. Жумладан, Г. Люстер, Л. Токарчук, Н. Прибитков бошлиқ комплекслашган бригадалар ва бошқа коллективлар ҳам бу борада юксак кўрсаткичларга эришдилар. Улар қурилиш материалларидан унумли фойдаланиб; ишлаб чиқариш графигидан ўзган ҳолда баракали меҳнат қилмоқдалар.

ТАШАББУС ИЗДОШЛАРИ БИЛАН КУЧЛИ

Ольга ПАВЛОВА,
«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригадири.

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленумида сўзлаган нутқида шундай деганди «... Бу ишни омманинг ижодий активлиги ва ташаббускорлигини кенг қулоч ёйдирмасдан, уларни жамоат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишга фаол жалб этмасдан бажариш мумкин эмас».

Дарҳақиқат, ишлаб чиқариш суръатини ўстиришда, маҳсулот сифатини яхшилашда меҳнаткашларнинг қанчадан-қанча қимматли ташаббуслари туртки бўлган. Шу беш йиллик бошида корхонамизнинг энг яхши ишчилари ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга қарор қилишди. Бугунги кунда 20 киши шахсий мажбуриятларини бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

Бу йил эса партия мурожаатига жавобан Тошкентдаги тўққиз илғор бригада меҳнат унумдорлигини планга қўшимча камида 1 процент ўстириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш ташаббуси билан чиқди.

Бизнинг бригадамиз шулардан бири эди. Биз имкониятларимизни чамалаб шуни билдикки, иш вақтининг йўқотилишини камайтириш, ўхшаш касбларни ўзлаштириш, илғор меҳнат методларига ўргатиш ва бошқа резервлар ҳисобига меҳнат унумдорлигини 1984 йилда беш процентга ўстириш ва шу кўрсаткич бўйича беш йиллик планни Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бажаришимиз мумкин экан. Биринчи квартал якунлари шуни кўрсатаяптики, биз ўз мажбуриятларимизни бажараяпмиз.

Яна бир нарса қувончли. Бизнинг ортимиздан бирлашмада бу ташаббусни А. Клешчук, Г. Анопа, А. Бозорбоева, С. Раимбоева бошлиқ бригадалар қўллаб-қувватлашди. Корхонадаги энг яхши коллективлар билан меҳнат беллашуви, олдинда бўлиш учун интилиш, шубҳасиз, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида ишни яхшилашнинг яна бир муҳим омилидир.

• БИР ХАТ ИЗИД

Сут муаммос

«Менинг саломатлигим ҳар куни сут маҳсулотлари истеъмо шимни тақозо этади. Ҳар куни эрталаб Фрунзе районидаги уйимиз бўлган 27-гастрономга бораман. Аммо апрелнинг дастлабки кун бу ерга сут келтириш кескин камайди. Сут маҳсулотлари бўлим чисининг айтишича, март ойининг охири ва апрель ойининг магазинининг бу маҳсулотга бўлган буюртмаси тўла қондирилмаган қа сут маҳсулотлари савдосида ҳам шундай аҳволни кузатиш Апрелнинг биринчи ўн кунлигига планлаштирилган 2 минг шиша вашадан фақат 700 шишасигина олинди. Нега бундай бўляпти!

Д. ГОЛУНОВА,
Улуғ Ватан уруши қатнашчи

Газетхон мактубини Тошкент сут ишлаб чиқариш б
лашмасининг бош инженери Н. МУҲИТДИНОВ шарҳлай

— Албатта, шикоят ўринли; март—апрель ойларида савдо тармоқларига сут маҳсулотлари етказиб бериш анча камайди.

Ўн биринчи беш йилликнинг уч йили мобайнида Тошкент сут ишлаб чиқариш бирлашмасида корхонани реконструкциялаш бўйича каттагина ишлар амалга оширилди. Натижада ишлаб чиқариш жадал ривожланди. 1981—83 йилларда беш йилликнинг контроль рақамлари бўйича топшириқ товар маҳсулот бўйича 101,7 процент бажарилди.

Янги ассортиментдаги маҳсулотлар: «Янтарь» пишлоғи, 2,5 процент ёғи бўлган простакваша, 11 процент ёғи бўлган кефир, 5 процент ёғи бўлган творог, 20,25 процент ёғи бўлган сметана ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича беш йиллик топшириқлари муддатидан аввал бажарилди.

Бирлашмамизда маҳсулот реализация қилиш бўйича 1984 йилнинг биринчи квартали плани 102,9 процент адо этилди.

Аммо шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг юксалиши аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжидан ортда қолаётганлигини унутмаслик керак. Н пайтда айниқса иттифоқдош рес калардан дотаци риқасида олина сут порошогини зиб беришда лар рўй берди жада апрель ой биринчи ярмида га ишлаб чиқари маҳсулотимиз 30 тоннага ка Бу шаҳарга сут зиб беришда қийинчиликлари га келтирди. ойининг иккинч мидан яна порош лиши яхшиланди дан буён шаҳр сут савдосидаги чиллик бартараф лади.

Газетхон мактубини Тошкент шаҳар ижроия комит савдо Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ғ. МАНСУРОВ шарҳлайди:

— Ҳақиқатда, шу йилнинг март ва апрель ойларида шаҳримизда сут маҳсулотлари савдосида узилишлар рўй бериб турибди. Бу аҳолининг ўринли шикоятига сабаб бўляпти. Бундай аҳвол Тошкент сут ишлаб чиқариш бирлашмаси табиий сут тайёрлаш планини бажара олмаётганлиги ва етарли сут порошоги запаси тугаганлиги билан изоҳланади.

Савдога ҳар куни нормадаги 460 тонна ўрнига, аслида 400 тонна сут маҳсулотлари юбориляпти.

Март ойида Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги қўшимча 200 тонна маҳсулот ажратиб, аванс тариқасида сут порошоги етказиб беришда ёрдам кўрсатди. Бироқ бу муаммони ҳал этмади.

Табиий сут тайёрлаш планининг бажарилмаётганлиги ва сут порошоги запаси етарли эмаслиги аҳолини муҳим парҳез маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга салбий таъсир кўрсатаяпти.

Ҳар куни шаҳарга 30 тонна қуйиб сотиладиган сут, 50 минг шиша кефир ва простокваша, 45 минг пакет қадоқланган сут етказиб берилмаяпти.

Сут ва бошқа сут маҳсулотлари биринчи навбатда болалар ва даволаш муассасалари ва умумий ланиш корхона эҳтиёжи учун и тилмоқда.

Шаҳар аҳоли айниқса бола даволаш муасса ри, умумий ов ниш корхона сут маҳсулотлар лан яхши таъми мақсадида То шаҳар Совети ия комитети Ўзбе ССР Гўшт ва сут ноати министрли Тошкент шаҳрига бий сут етказ ришни кўпайтир сўраб, Ўзбек ССР Савдо минист гига эса шу йил иккинчи квартал қўшимча 300 сут порошоги тишни сўраб илт қилди.

РЕДАКЦИЯДАН: Одатда савдода айрим маҳсулотларга эҳтиёж юқори бўлган кунлар — «пик» пайтлари бўлади. Сут маҳсулотлари учун бундай пайт қиш ва эрта баҳордир. Йилнинг бу даврида кишилар ҳар хил касалликларга тез чалинишади, парҳезбоп маҳсулотларни истаб қолишади.

Тошкентга республикамизнинг беш области — Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Андижон ва Самарқанд областлари сут маҳсулотлари етказиб беради. Бу областларнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажара бориб, республикамиз пойтахтига сут маҳсулотлари етказиб беришни тобора кўпайтиришяпти. Лекин барибир етказиб берилаётган маҳсулот мамлакатимизда аҳолиси миқдори жиҳатидан тўртинчи шаҳар бўлган республикамиз пойтахти аҳолисининг ўсиб бораётган эҳтиёжи даражасида эмас. Шу боисдан шаҳарга бошқа республикалардан йилига 4 минг тонна сут порошоги келтирилади. Ундан Тошкент сут ишлаб чиқариш бирлашмасида 28 минг тонна сут тайёрланади. Бу мазкур корхонада йил бўйи тайёрланадиган маҳсулотнинг қарийб тўртдан бир қисмига тенгдир.

Пойтахт аҳолисини сут маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда мана шу муҳим резервдан оқилона фойдаланиш — уни фақат қиш ва эрта баҳор пайтларидагина ишлатиш ғоят муҳимдир. Афсуски, ўтган йили Тошкент сут ишлаб чиқариш лашмасида сут порошоги запас бир қисми йилнинг кварталида бемаврид иш юборилди. Бунинг оқибатида йилнинг март ойига келиб тугаб, бирлашманинг ишлаб риш суръатлари пасайиб

Аммо республика Гўшт саноати министрлигида ҳам лашмада ҳам бу нуқсони пўшлаб, планлар бажарилаётга билан ўзини овутиш кайфияти сурмоқда.

Министрликдагилардан нега сут камлигини сўраш «Биз биринчи кварталда савдо нистрлиги 1983 йил 9 дек берган кўрсатма бўйича ма шунга биноан квартал топшир ортиғи билан бажардик», дей Шаҳар савдо бошқармаси юк сулотни 5 апрелда кучга план бўйича талаб қиляпти. Бу бўйича эса шаҳарга йил бош бери 1700 тоннага яқин сут лотлари кам етказиб берилган.

Аммо ҳозир ким қандай рўкач қилмасин, шаҳарда су сулотлари етишмаётганлиги ма си фактлигича қоляпти. Бу устида жиддий бош қотириш ҳарга сут маҳсулотлари етка беришни яхшилаш биринчи навба республика Гўшт ва ати министрлигидаги ва кент сут ишлаб чиқариш бир масидаги масъул ўртоқларнинг чидир.

ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛД

«Тошкент оқшоми»га Х. Латиповдан келган мактубда «48-87-02» телефони ёмон ишлаётгани ҳақида шикоят қилинган эди. Шикоят Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасига юборилган эди. У ердан хабар қилишларича, юқоридаги телефон текширилганида блок қурилмаси шикастланганлиги аниқланди. Ҳозир тегишли чоралар кўрилгандан кейин телефон яхши ишлаб турибди.

* * *

Газетхон И. Мумров редакцияга ёзган хатида Тошкент шаҳар пенсия ва нафақаларни тўлаш маркази пенсиясини кечиктириб юбораётгани ҳақида шикоят қилган эди. Ушбу хабар Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлигига юборилган эди. У ердан олинган жавобда айтилишича, И. Мумров пенсиясининг тўлов қоғози янглишиб «Бош почтамт»га юборилган экан. Ҳозир янги тўлов қоғози ёзилиб, 33-алоқа бўлимига юборилди. Бу ишда хатога йўл қўйганлар интизомий жазо олдилар.

* * *

Газетхон В. Дуденкодан редакцияга келган мактубда 52-модалар ательесининг айрим ходимлари ишга совуққонлик билан муносабатда бўлишлари баён этилган эди. Чунончи, шу ателье бичиқчиси Маслова ҳақида сўз юритилган эди.

Хат В. И. Ленин даги якка буюрт бўйича кийимлар ва ремонт қилиш ко налари ишлаб чиқ бирлашмасига юб ган эди. У ердан қилишларича, хат лективда ва дисци лик кенгашида му ма этилди. Фактлар дикланди. В. Ду нинг буюртмасини риш ўз вақтида ҳал маганлиги учун 52- лар ательеси бичи Масловага виговор лон қилинди. Тег сумма айбдор дан буюртмачига ди. Эндиликда буюр чиларга хизмат кўрс маданиятини оши юзасидан қатор лар белгиланди.



• Сабзавотлар — шаҳарликлар дастурхонига

Ярмаркалар очилди

Дала неъматлари пишиб етила бошлади. Пойтахт области хўжаликлар савдо тармоқларига эртанги сабзавотлар етказиб беришни бошлаб юборишди. Пештахталарда пиёз, редиска, кўкатлар, бодринг пайдо бўлди.

Тошкентликлар Дзержинский майдонида жойлашган шаҳар сабзавот ярмаркасидан турли-туман дала неъматларини харид этишлари мумкин. Бу ерда «Ташплодоовощ» бирлашмасининг Собир Раҳимов, Киров, Ленин, Фрунзе, Чилонзор ва Октябрь районларидаги улгуржи-чакана савдо идораларига қарашли магазинлар очилган. Ярмаркадан эртанги сабзавотлар билан бир қаторда пиёз, картошка, майиз, лавлаги, шарбатлар, мева консерваларни харид қилиш мумкин.

Юнусобод массивининг «СГ—1» микрорайонида янги сабзавот ярмаркаси очилди. Бу ерда ҳам турли-туман қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиляпти.

— Илгари сабзавот харид этиш учун шаҳар марказига қатнар эдик, — дейди пенсионер С. Исҳоқова. — Энди қийинчиликдан қутулдик. Савдо ходимлари Биринчи Май байрами арафасида «СГ—1» микрорайони аҳолисига яхши туҳфа тайёрлашди.

Киров районидаги яна бир сабзавот ярмаркаси Юнусобод колхоз бозорида очилади. Бу ерда Тошкент райони хўжаликлари ўз маҳсулотларини етказиб беришади.

— Биз савдо тармоқларини реконструкция қилишни, харидорлар учун имкони борича қулайликлар яратишни, сабзавотлар ишончли сақланишини таъминлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик, — дея ҳикоя қилади Киров райони улгуржи-чакана савдо идораси директори М. Ф. Морозова. — Шу мақсадда Олой бозори рўпарасидаги 5-магазинни реконструкция қилиш бошлаб юборилди. Ҳозир янги холодильниклар, кондиционерлар ўрнатиляпти. Бу ерда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усули жорий этилади.

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номидаги совхоз территориясида минг тонна картошка ва уч юз тонна пиёз сақланадиган омбор ташкил этиляпти. Бу кировликларни юқори сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятини беради.

Шундай қилиб, ўлкамизда пишиқчилик мавсуми бошланяпти. «Ташплодоовощ» бирлашмаси меҳнатчилари шаҳарликларни сара қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга интилишяпти.

* * *

СУРАТЛАРДА: Дзержинский майдонидаги сабзавот ярмаркаси.

Т. Каримов фотолари.

Шарқ юлдузи

АПРЕЛЬ СОНИДА

«Шарқ юлдузи» журналининг апрель сони босмадан чиқди. У Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 114 йиллигига бағишланган суратлар билан очилади. Шу муносабат билан доҳий асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва чоп этишга ҳисса қўшган одамлар,ноширларнинг давра гурунги босилган. Бу сонда шеърият мухлислари Муҳаммад Алининг «Муҳаббат» достони, Турсун Иброҳимов, Миразиз Аъзам, Азиз Абдураззоқ, Амирқул Пўлкановларнинг янги шеърлари билан танишадилар.

«Наср» бўлимида эса Муҳаммаджон Мирзамуҳамедовнинг «Сунбул», Шойим Бўтаевнинг «Сирли юлдузлар» қиссалари бор.

Абдулла Қодирий туғилган куннинг 90 йиллиги олдидан ёзувчи ҳақидаги бир қатор хотиралар эълон қилинган.

Журналнинг «Халқлар дўстлиги—адабиётлар дўстлиги», «ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллигига», «Юбилярларимиз»,« Саргузашт, фантастика», «Гулқайчи» ва бошқа бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материаллар бор.

Муҳаммад АЛИ.



МУҲАББАТ

БИР ЙИГИТНИНГ КУНДАЛИГИ

(ДОСТОНДАН ПАРЧА)

Сизга тақдим этилаётган ушбу кундалик тасодифан менинг қўлимга тушиб қолди. Тўғрироғи, эгаси уни менга лутфан кўрсатди. Бир кўнгилнинг изҳори бўлган бу кундалик ўзининг ниҳоятда самимий эканлиги билан кишини ром қиларди. У биров ўқиши учун ёзилмаган, балки кўнгилни бўшатиш учун ёзилган, яъни кундалик дафтар эгаси унга ўзининг дардларини тўкиб-солган, жавобсиз муҳаббат исканжасида қолганида шундан нажот топган... Бу шундоққина кўриниб турарди. Қизиғи шундаки, дафтарни Шернинг (кундалик эгаси) ўзидан бошқа ҳеч ким кўрган эмас, унинг борлигини ҳатто Гулбадан (йигит севган қиз) ҳам билмайди. Йигит буни унга ҳам билдирмаган, кундалик дафтар — сирли дафтар бўлиб қолаверган..

Буларнинг барини менга йигитнинг ўзи ҳикоя қилиб берди.

Инсон бардошини тоғларга қиёс қилишади, лекин тоғлар нураши мумкин, бардош эса — йўқ... Айниқса Шернинг бардоши! Оғир фожиадан кейин ҳам унинг қадди букилмади: унинг умрига нур бўлиб кирган туйғу, ноободдилини нурафшон этган ёғду — муҳаббат бўлди! Бироқ бу муҳаббатнинг жавоби йўқ! Балки шундай бўлгани учун ҳам йигит оёққа туриб кетгандир, муҳаббатига шу йўсинда жавоб олмоқчи бўлгандир!

Бу— икки қалбнинг титроқлари, йўқ, бир қалбнинг титроқлари, бир қалб кўзгусида намоён бўлган ишқ изтиробларидир. Улар кузги сувлардай тиниқ, шаффоф, баҳор тошқинларидай шарқироқдир.

I

1979 йил
21 ноябрь куни

«Уйинқароқ болалик,
Жажжи болалик,
Нима қилиб қўйдинг,
Англайсанми ҳеч!
Сендек беғам эдим,
Сендек шодмон эдим,
Энди ёнмоқдаман
Ҳам эрта, ҳам кеч...»

II

1973 йил
29 июнь куни

«Хаёлим бир жойда
Тўхтамас елдай,
Бир бало бўлганми
Эсу ҳушимга!
Мактабга бораман,
Қайтаман;
Сен-чи,
Ҳатто кирганинг ҳам
Йўқди тушимга.
«Оқ йўл» тилаб қолди
Мактаб даргоҳи,
Битта чўлботир-ла
Ошна тутиндим.
«Мана, ол кучимни,
Юр дашт қўйнига,
Ҳой, полвон
трактор!»—
Дея ўтиндим.
Кетдик...
Куйиб ётар
Яккатол чўли,
Ўзни унга урдим,
Бир беқарорман.
Чўлни гул қилмоқлик
Ёлғиз муродим!
Юрак-юрагимда
Шу орзу армон..»

III

2 август куни

«Яккатол чўлига
Тун чўкди, мана,
Қишлоқ чироқлари
Аста сўнади.
Эринчоқ саҳрога
Бермасам уйқу!—
Шундан ёш
кўнглимнинг
Шами ёнади!
Ота-боболарнинг
Нақлидан маълум:
Чўл —
Парвойи фалак,
Беғам ётарди.
Ойлару йилларнинг
Баридан тутолмай.
Баҳорда қайнарди,
Қишда қотарди.
Йиллар ўтардилар
Бефарқ,
Беназар,
Чўл-чи, бир жандапўш
Дарвиш мисоли,
Улардан ялиниб,
Зору интизор
Сўраб қолар эди
Бахтин, иқболин.
Болалигим ўтган
Шу чўлни кезиб,
Шунда
Даврон қурган
Дўст-ёронларим.
Эсда:
Ялангоёқ,
Тиканлар босиб,
Қоп орқалаб
Ўтин терган онларим.
Бугун,
Фурсат етди,
Эй қадрдон чўл,
Асрий уйқулардан
Бош кўтар энди.
Мана,
Бир фарзандинг
Дардинг олай деб
Трактор рулини
Шарт тутар энди!
«Чўлботир»,
Чўлларнинг ботири
дея
Суюб эркалайман
Тракторимни.
Шундайин беминнат
Ҳотамтой билан
Боғладим умрбод
Мен тақдиримни.
Шу дам
Фазоларда
Чарх урган «Союз»
Фарғона чўлига
Ташласа назар,
Тунни тилкалаган
Тракторимнинг
Икки олов кўзин
Илғар муқаррар!
Бирдан,
Бўрон турди!
Қашқирдай увлаб
Кўчди тўзонларнинг
Гирдоб қуюни.
Мени оғушига
Тортарди аста
Оқил табиатнинг
Телба ўйини!
Шитоб фикр қилдим:
Тўхтамоқ кера-ак!
Она табиатга
Ёқмайди ҳазил!
Бироқ,
Чўлботир-чи,
Ўчакишгандай,
Бўроннинг устига
Интилар дадил!
Қайга кетмоқдасан,
Чўлботир, тўхта,
Йўлимиз текисми,
Зовурми, чақир!
Кўзим қумга тўлди,
Зўрға очаман,
Кўриб бўлмаяпти
Ҳеч нарса, ахир!
Трактор тўхтамас.
Ўкирар шердай,
Осмон ҳам батангдир,
Қулоқ қоматда.
Ажабо,
Тўхтатмоқ ўрнига,
Нечундир,
Мурватни тортаман
Ўзим ҳам сатта!
Бирдан,
Бош айланди...
Кўз олдим қора.
Қўққисдан қайгадир
Мункидим!
Зулмат..
Теграмда
Ютоқ шамол
Чеккандай аза
Фақат нола чекар:
«Ку-ку-ку-у... кулфат!».
Трактор юмалар!..
Ўзимни шартта
Кабинадан отдим
Жонимни сақлаб.
Аммо кабина-чи.
«Қувиб» ортимдан
Икки оёғимни
Босди мажақлаб!..»

IV

26 декабрь куни

«Кичик аравача...
Пастгина сўри...
Қишда —ўчоқ боши...
Ёзда —тол таги..
Ёш туриб,
Ногирон бўлиб
қолдим, эх,
Шундоқ йигитликнинг
Нохуш эртаги...
Иложи бўлсайди,
Оҳ, дермидим мен,
Нечун маҳзунлигу
Мунг ила шикан!
Кошкийди,
Ерга қадам
Ташласам шартта-
шартта,
Оёққа ғарчча-ғарчча
Кирсайди тикан!..»

АТОҚЛИ ЁЗУВЧИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

Ҳабибулла ҚОДИРИЙ.

НЕГА СЕВИБ ЎҚИЛАДИ?

(ХОТИРАЛАР)

«Мен бир асарни икки қайта ўқимаганман. Аммо «Ўтган кунлар»ни тўрт қайта ўқидим ва яна ўқигим келаверади. Билмадим, унинг қандай сеҳри бор, — дейди ишхонамиздаги Вера исмли аёл.

— «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» романларини бир неча марталаб ўқиган бўлишимга қарамай, негадир, ҳордиқ чоқларимда яна ушбу китобларга қўлим беихтиёр чўзилаверади, — деб ёзади оҳангаронлик бир китобхон.

— Ленинободлик 89 ёшли Мулломурод бобо «Ўтган кунлар»ни ёд билади, — деб ёзган эди тожик ижодкорларидан бири «Гулистон» журналида. Буларга ўхшаш қайдларни «Отам ҳақида» хотиралар китобимда ҳам келтирган эдим.

Шундай бўлса-да, ушбу фикрлар сабаб ўз кузатувларимни яна бир бор айтишни лозим топдим.

Истеъдод туғма бўлгани билан уни тарбияламаса нафи оздир. Шу жиҳатдан қараб, Қодирийнинг истеъдоди ҳам балки туғмадир деб ўйланса-да, барибир, у киши ўз шоҳ асарларини қўлга қалам олган кундан бошлаб ёзавермаганлар. Барча ижодкорлар сингари Қодирий ҳам аввалда мураккаб ҳаёт поғоналарини босиб ўтганлар, адабиётнинг ўзига хос нозик сирларини ўрганганлар, ўзлаштирганлар.

Табиийки, билим орттириш мутолаасиз бўлмайди. Хотираларимда ёзилганидек, Қодирий мутолаага жуда ўч бўлганлар. Бу «даъво»мизни у кишининг ўз сўзлари ҳам тасдиқлайди.

«Китобни тушуниб мутолаа қилиш керак. Баъзан тушуниб мутолаа қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Фикрлар тез унитилиши мумкин. Бундай ҳолларда айрим зарур фикрларни ёд олиш керак бўлади».

Шунингдек, яна бир жойда Қодирий «адабиётдаги оқим ва мактабларни яхши билиб олиш керак» дейдилар. Дарҳақиқат жаҳон адабиётида мактаблар кўп. Қодирий балки шу мактабларнинг барчаси билан бўлмаса ҳам (чунки, бу жисман имконсиз) энг муҳимлари, мақбуллари билан танишгандирлар. Зеро у киши «халқнинг кулгулик даҳоси аксар ўша қазм интибоҳи тарихининг қалдирғочи бўлиб кўринади. Масалан, Италияда Данте, Испанияда Сервантес ва Россияда Гоголь каби. Мазкур даҳоларни етиштирувчи бош омил бузуқ шароит эди...» деб ёзишларидан мутолаа доиралари нақадар кенг бўлганлигини пайқаш мумкин.

Юқоридаги кўчирмадан Қодирий гўё Ғарб адабиётини чуқур ўргангандек кўринсалар ҳам, аслида кўҳна Шарқ адабиётини мукаммалроқ билганлар. Ана шу икки буюк адабиёт мактабларини қунт билан ўрганиб, уларни ўзаро уйғунлаштириб, маълум бир меъёрда ўз ижодларида моҳирона бириктира олганлар. Бизнингча, у кишининг асарларини севиб ўқилишига сабаб бўлган бош омил ана шунда. Қодирийнинг қуйидаги фикрлари бизнинг ушбу мулоҳазаларимизни исботлайди:

«Ўтган кунлар» оммамизнинг савиясига қараб ёзилгандир. Маълумки, бизнинг омма то шу кунгача ҳам Ўрта аср достон ва ҳикоялари билан озиқланиб келадилар. Омманинг шу ҳолини назарга олганда... халқимиз учун «сўнгги приём»ни бериш тиши чиқмаган болага қурт шимитиш каби бўлар эди. («Ўтган кунлар»даги) бу «эски приём» жўрттага, халқимизнинг сафиясини эътиборга олиб қабул қилинганди. Халқнинг завқини, руҳини назарда тутилмаса, — «сўнгги приём» деб Европанинг сўнгги модасини тақдим қилинса, бундан нима маъно чиқариб бўлар эди.»

Қодирий бу ўринда «эски приём» ва «сўнгги приём» деб ёзадилар. «Эски приём»да Шарқ адабиёти, хусусан Ўрта аср достончилиги, ҳикоячилиги кўзда тутилса, «сўнгги приём»да Ғарб адабиётидаги сўнгги услуб назарга олинади. Агар шу икки «приём»даги адабиётларни ўқиб кўрсак, шундай тафовутларни кўрамиз.

«Сўнгги приём»да асар (воқеа) аниқлигини ошириш ва ишонч кучини кучайтириш (яъни реал бўёқларда тасвирлаш) мақсадида майда деталларга, руҳий ҳолатларга, кечинмаларга, фалсафий, ижтимоий хулосалар чиқаришга айниқса, эътибор берилади. Ундан ташқари бу приёмда муддао кўпинча диалогларда изҳор қилинади, тафсилотларга кўпроқ ўрин берилгани учун конфликтлар ошкора кўринавермайди. Натижада бундай мураккаб тавсиф-тасвирли «приём»ни ўқиб-ўрганмаган киши унга бирдан тушуниб етмаслиги мумкин.

«Эски приём»да эса (албатта бундан илғор адабиётимиз, шеъриятимиз мустасно), барча бадиий асарлар баёнчилик, схематик, зўракилик усулида ёзилган. Асарлар кўпинча жангнома ва ишқий-саргузашт характерида бўлиб, уларда майда деталь-тафсилотлар, руҳий ҳолат-кечинмалар, диалоглар деярли йўқ, ҳамма воқеани ёзувчининг ўзи баён қилади, лекин асар жумбоқларга, тўқнашувларга жуда бой, воқеа ҳаммавақт шиддат ва завқ билан ривожланади. Ўқувчини зериктирмаслик учун, зарурат бўлган ўринларда афсона, ғайри-табиий воқеалар ҳам тўқиб юбориладеради (бунга ўша давр ўқувчилари чиндан ишонаверганлар), тил равон, жумлалар содда, ўқувчини ўйлантирадиган, зериктирадиган мураккаб тафсилотлар йўқ. «Эмди икки калима сўзни фалон жойдан ёки фалончидан эшитинг» деб ёзиб кетилаверади.

Шунинг учун ҳам бу асарлар эрмак тариқасида бирор саводхон киши тарафидан чойхона, тўкма, гап-гаштак, косибхоналарда такрор-такрор ўқилаверар, ҳатто ёдлаб ҳам олинар эди. Бу хил асарларнинг замирида кўпинча бирор хайрли ишга йўналтирувчи ибрат мавжуд бўлади...

1936 йил бўлса керак, қиш кезлари эди. Кечликдан сўнг сандал чеккасида ўтириб, оилавий суҳбатга қулоқ солмай, ўзимча «Ҳотам Тойи туркнома» тўпламидан «Ҳикояти гузашта» номли бир ҳикояни ўқиб ўтирар эдим. Дадам «қани, нима ўқияпсан?» деб қўлимдан китобни олдилар. «Ҳо-о малика Мунаввар чеҳрани ўқияпсанми? Бу менинг энг севган ҳикояларимдан», дедилар кулиб ва овоз чиқариб ўқий бошладилар. Ҳикоя у қадар чўзиқ бўлмаганидан ўн-ўн беш минутда уни ўқиб тугатдилар. Китобни менга узата туриб мақтанганнамо дедилар:

— Кўрдингми, усталикни... Ҳикояни шакли яхши тузилган, ўқувчини биринчи варақданоқ ўзига тортиб олади, қаҳрамонни бахтсизликдан-бахтсизликка бошлаб, сир сақлаб бораверади. Ўқувчи эса охири нима бўларкин», деб қизиқиб эргашиб бораверади. Сўнгида жумбоқ усталик билан ечилади. Ундан ташқари ҳикояда ҳақиқатга ўхшаш унсурлар ҳам йўқ эмас...

Юқорида биз ёзувчиликнинг яна бир масъулиятли шарти турмушни ўрганишдир, дедик. Албатта, инсон борки турмушни озми-кўпми билади. Лекин, ёзувчи уни барчадан кўпроқ ва комил билиши зарур. Йўқса мутолааси, билими қанчалик кенглигига қарамай, асарларининг мағзи ғовак бўлади. Ёзувчи халқ ичига кириши, турмушнинг энг майда-чуйда икир-чикирларигача диққат билан кузатиб, идрок қилиб ва ундан тўғри хулосалар чиқариши шарт.

Қодирийнинг ҳаёт йўллари жуда мураккаб кечган. У киши улғайиб, қўлларидан иш келадиган бўлган чоқларида Қодир бобомиз тўқсон ёшларда эканлар. Шу боисдан Қодирий зиммасига рўзғор ташвиши жуда эрта тушади. Эскича саводхонлик ва рус тузем мактабларида, мадрасада ўқийдилар, мутолаа билан шуғулланадилар, одамлар уйида кунбай ишлайдилар, боғбонлик, деҳқончилик, приказчилик, кармандўзлик, шакарпазлик, дурадгорлик, тоқичилик, котиблик қиладилар ва бир неча ой шаҳар халқ милициясида ишлайдилар, матбаа ишлари билан қизиқадилар. Буларнинг ҳаммаси у киши учун ҳаёт мактаби вазифасини ўтаган.

---

* Хотиралар қисқартириб олинди.

Муҳаммаджон МИРЗАМУҲАММЕДОВ.

Сунбул

ПОВЕСТДАН ПАРЧА

22 июнда уруш бошланди.

Урушнинг эртасига Мухторхоннинг якка-ю ёлғиз ўғли университетнинг иккинчи курсидан кўнгиллилар қаторида фронтга жўнаб кетди. Волга бўйидаги кичкина шаҳарчада у артиллерия билим юртида ўқиб турган ярим йил ичида, уч маротаба уйига хат ёзди. Охирги, тўртинчи мактубини Сталинград жанги бошланганда юборди.

1942 йилнинг кеч кузи кунларидан бирида, эрте билан, тонг қоронғусида Мухторхон эшикнинг қаттиқ тақиллашидан уйғониб кетди —кечаси электр токи узиб қўйилганлиги сабабли, қўнғироқ ишламасди. У керосин лампани ёқди, елкасига тўнини ташлади, шиппагини шапиллатиб, эшик томон юрди.

— Ҳозир, Нигора, ҳозир очаман,— деди Мухторхон хирилдоқ товуш билан, хотини тунги навбатчиликдан қайтди, деб ўйлаб.

Лекин, у эшикни очганида, остонада солдатчасига кийиниб олган, аммо қуролсиз Ҳусайн турарди.

— Кечадан бошлаб қисмдаман. Бугун фронтга жўнаймиз,—деди Ҳусайн, уйга кириб, — Хайрлашгани келдим, сендан охирги марта олган китобларни ҳам ташлаб кетай дедим.

Ҳусайн қалпоғини, шинелини ечди, гимнастёркасини этагидан пастга тортиб қўйиб, мезбон билан унинг кабинетига кирди.

Мухторхон тўшагининг устига кўрпа ёпди, тўнига ўраниб олиб ўтирди. Энди, хотини госпиталга, тунги навбатчиликка кетган кунлари у кабинетдаги диванда ётарди.

Ҳусайин хонани кўзи билан чалиб чиқди-да, стулни суриб, Мухторхоннинг рўпарасига ўтирди.

—Нигора навбатчиликда, ҳаяллаб қолди. Эҳтимол, ярадорларни олиб келишгандир, — деди Мухторхон йўталиб. — Сеникига бораман дейман-у, аммо бу лаънати томоқ оғриғи жонимни кўзимга кўрсатди. Буни қараки, ўзинг кириб келдинг.

—Безовта қилгим келмади, шунинг учун қўнғироқ қилмадим,— деди Ҳусайн, гуноҳкорона. — Ўғлингдан дарак борми?

Мухторхон «йўқ» дегандай сочлари тўзиб кетган бошини чайқади.

— Ким энди боғбон бўлади?

— Ректор боғни сақлаб қолишга ваъда берди.

— Сен бекордан-бекорга бошингни ўққа тутиб юрмагин... Сен тирик қайтишинг зарур, мажбурсан! Тушундингми?

Ҳусайн табиатан камгап эди, бироқ ўз укасидек яхши кўрган бу одамга ҳозир жуда кўп илиқ гаплар айтгиси келди, аммо гаплари томоғига тиқилди, у бесўнақай қўлларини қаерга яширишини билмай, бармоқларини беихтиёр қирсиллатиб, ҳамон жим турарди.

— Нима қилиб анграйиб ўтирибман! — деди Мухторхон тўсатдан, — у кийимларини йиғиштирди-ю, ёш болалардай чаққонлик билан нариги хонага кириб кетди.

Бир оздан сўнг, Мухторхон одатдагидай дид билан кийинган, сочларини тартибга келтирган ҳолда қўлида майдачуйда солинган патнис кўтариб чиқди. У китобларни ёзув столининг четига суриб, патнисни қўйди.

— Ҳозир иккаламиз нонушта қиламиз, кейин мен сени кузатиб қўяман!

Индамай овқатланишди. Ҳусайн ўз кўнглида Мухторхонга сездирмаган бўлиб шимининг чўнтагидан узун занжирга осилган соатини чиқарди.

— Қанча қолибди? — деб сўради Мухторхон.

— Яна бир соат бор, — ҳайрон бўлиб жавоб берди Ҳусайн.

— Жуда соз! Кийин, трамвайга ўтирамиз-да, ярим соатдан кейин қарабсанки, вокзалдамизда. Ҳа, айтмоқчи, мана бу китобчани ол, Навоий ғазаллари, жуда ихчам, чўнтакка солиб юрсанг бўлади. Улгурмаганингни эса, — дея Мухторхон китоб тўла жавонларни кўрсатди, — урушдан кейин ўқийсан.

Трамвай издан чиқиб кетиб, сал бўлмаса улар кечикиб қолай дейишди.

Вокзал перрони бўмбўш эди. Бошида паровоз пишиллаб турган эшелон вагонлари олдида командирлар кичик-кичик тўп бўлиб туришарди.

Буларнинг олдига лейтенант чопиб келиб, Ҳусайнни қойий бошлади, аммо у энгашиб ўз командирига нимадир деди. Лейтенант қаддини ғоздай ростлаб қўлини чеккасига теккизди-да, пошналарини бир-бирига уриб, ўзини таништирди:

— Иванов!... Мени кечирасиз, ўн беш минутдан кейин эшелон жўнайди, у бўлса ҳамон йўқ. Қаттиқ хавотирландим... Ўнинчи вагон, — деди у Ҳусайнга ўгирилиб

Чиройли, оқ-сариқдан келган лейтенантнинг юзларида болаларча беғубор ифода акс этиб турар, кўзлари эса гўё уларда осмон акс этиб тургандай кўм-кўк эди. У Ҳусайн сингари баланд бўйли эди. Уларнинг олдида Мухторхон пакана одамдай бўлиб қолди. Унинг устида гражданча уст-бош, бу кийимда Мухторхон ўзини худди ишга ёмон кийиниб келган одамдай, жуда ноқулай ҳис қиларди.

Мухторхон Ҳусайнни қучоқлаб ўпди, ёш лейтенантнинг қўлини қаттиқ қисди, уни ҳам кучоқлаб ўпар экан, ўпкаси тўлиб деди:

— Илтимос, ой бориб, омон қайтинглар. Сизни оналарингиз, хотин, бола-чақаларингиз кутишади..

Уруш тугади. Орзиқиб кутилган ғалаба куни келди. Инсониятга янги тартиб, янги маданият олиб келаётганлари ҳақида кутурган фюрерлари тили билан оламга жар солган маданий ваҳшийларнинг галалари тор-мор келтирилиб, яксон қилинди!

Мухторхоннинг ўғли Сталинград остонасида ҳалок бўлди, қардошлик қабрига дафн этилди. Бетховен ва Шиллер, Гейне ва Гётелар Германияси учун жангда Ҳусайннинг ёш рус командири қурбон бўлди.

Мухторхон ориқлаб, сочлари бутунлай оқариб кетди, аммо бароқ қошлари негадир ҳамон қоп-қора эди. У аввалгидек серғайрат, чаққон, қора костюмида башанг кўринарди. Унинг кенг беғубор пешонасини ўғлидан қора хат олган куннинг эртасига пайдо бўлган иккита чуқур ажин кесиб ўтган эди.

Мамлакатимиз ўзининг алп қоматини тиклаб, жароҳатларини даволай бошлади: шаҳар, қишлоқлар тикланди, янгилари қурилди, далаларда яна тракторлар гуриллай бошлади, тинчликнинг биринчи йили ҳосили учун ерлар шудгор қилинди, машиналар етишмаган жойларда эса от ва ҳўкизларни сўқа, омочга қўшиб, ер ҳайдадилар.

Заводлар танк ва замбараклар, бомба ва снарядлар ўрнига тракторлар, автомобиллар, комбайнлар. болалар каравотлари, идиш-товоқлар ишлаб чиқара бошлади.

Мамлакатимиз агроном, инженерларга жуда муҳтож эди, унга шифокорлар, санъаткорлар, педагоглар, олимлар зарур эди. Кечаги жангчиларнинг аксарияти, фақат погонларини олиб ташлаб, шинел ва солдат этикларида институт аудиторияларини тўлдирдилар. Улар илмга бўлган ташналиклари билан ўз муаллимларини ҳайратда қолдирардилар; қандайдир афсонавий эҳтирос билан туну кун китоб ва конспектлардан бош кўтармасдилар, лабораторияларда қунт билан ишлардилар. Уларнинг бутун ҳаракатларида билимдон мутахассис бўлишга, қуриш, яратиш, бунёд этиш, юксалтиришга бўлган жиддий жаҳд аён кўриниб турарди.

Театрлар, концерт заллари одамларга тўла эди. Барча томошаларга ўн-ўн беш кун аввал билетлар сотиб тугатиларди. Ҳамма ерда «Билетлар сотиб бўлинди» деган эълонлар. Томоша муассасаларининг директорлари, бош администраторлари мамнун бўлиб кафтларини ишқалар эдилар:

— Ҳеч қандай тарғибот-ташвиқотсиз бир ой аввал барча билетлар сотилиб бўлди! — дер эдилар оғизларининг таноби қочиб.

Мухторхон тинмай ишларди. У деярли барча спектаклларнинг постановкасини янгилади. Уйда пьеса излаб, ўз кутубхонасини бошдан оёқ титиб чиқди. Москва, Ленинградда чиқаётган адабий журналларни варақлаб, тунлари мижжа қоқмай, тонг оттирди. Пьесалар бор эди, аммо улар Мухторхонни қизиқтирмасди, маъноси жуда саёз ва фикри қашшоқ, кўтариб чиқилган масала жўн эди. Аммо бир куни унинг омади келди.

Оқшом пайтида у радиони буради. Москвадан «Рус масаласи» олиб эшиттирилаётган эди. Радиопостановка унинг диққатини ўзига жалб қилди. Эртасига у авторга мактуб юборди, бир ҳафтадан кейин ундан пьесанинг машинкада босилган нусхасини олди ва дарҳол таржимонга топширди.

Уни доим: «Энди нима қилиш керак?»— деган савол қийнар эди. Томошабин етук санъат асарларига муҳтож, асарларни зўр иштиёқ билан қайта-қайта кўриб бўлган, хуллас, театрнинг репертуари жуда камбағал эди. Классик асарларни саҳналаштирай деса, ёш артист ва артисткалар йўқ, урушга улар институтдан кетганлар, кўплари қайтмаган. Бугунги кун ҳақида драматурглар деярли ҳеч нарса ёзмасдилар, ёзганларида эса, ўша-ўша сийқаси чиққан учбурчак— ошиқ, маъшуқа ва улар ўртасидаги ичи қора рақиб ёки рақибанинг жанжали кўрсатиларди.

Собир Абдулла халқ афсонаси асосида «Тоҳир-Зуҳра» либреттосини яратди, Тўхтасин музика басталади, шундай қилиб, юксак муҳаббат ҳақидаги трагедия туғилди...

Эрта билан унга бастакор Толибжон қўнғироқ қилди.

— Устоз, бугун ўн иккида «Лайли ва Мажнун»нинг кўриги бўлади. Келишингизни сўрайман, —деди у мулойим овози билан.

— Албатта, бораман, —деб жавоб қилди Мухторхон, телефон трубкасини жойига қўйиб, хотинига уни ўзи билан бирга олиб боришини айтди.

Нигора госпиталь ёпилгач, ўзини бутунлай уй ишларига бағишлаган эди. У эрини «Ўзлари ўқиб кўриб, агар ёқса, албатта, саҳналаштирсинлар», деб пьеса кўтариб келувчи хира муаллифлардан қўриқлар; унинг секретаридай бўлиб қолган эди — сон-саноқсиз қўнғироқларга жавоб берар, ҳар хил асарларни кўздан кечирар, Мухторхонга керак бўлган жумлаларни ҳошияда белгилаб қўярди; эрининг топшириғига мувофиқ марказдан чекка шаҳарлардаги театрларнинг кўп сонли мухбирларига жавоб берарди.

Опера театрига соат роппа-роса ўн иккида етиб келишди. Залда чироқ ўчган эди. Мухторхон Нигоранинг нозик қўлидан ушлаб, секингина деди:

— Шу ерда ўтира қоламиз.

— Йўқ, йўқ! Сиз учун режиссёрнинг ёнида жой олиб қўйганмиз,— деди уларнинг олдида тўсатдан пайдо бўлган драматург Комил. —Юринглар. Мен ҳам сиз билан бирга ўтираман.

Увертюра оҳанглари янграб, парда очилганда, бутун партер одам билан деярли бандлиги аён бўлди.

Мухторхон ён-верига қаради — ҳаммаси таниш одамлар— ёзувчилар, бастакорлар, рассомлар, артистлар, режиссёрлар. журналистлар— бутун санъат аҳли йиғилган эди.

ДАСТЛАБКИ СОВРИНДОРЛАР

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг совринлари учун теннис бўйича Халқаро IV Тошкент ўсмирлар турнирида дастлабки ғолиблар аниқланди.

Воронеж шаҳридаги 28-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси спорт мастери Дмитрий Бузинний ва унинг ҳамроҳи Ереванда-ги ўрта мактаб битирувчиси спорт мастери Артур Шиладжян ўтган йили ҳам Тошкентдаги турнирда иштирок этган эди. Аммо муваффақиятсизликка учрашганди. Бу йил улар жуфт рязрядда ғалаба нашидасини сурищди.

Қизлар ўртасида эса бош соврин учун москвалик спортчилар баҳслашдилар. Спорт мастерлари Виктория Мильвидская ва Наталья Бикова дугоналари биринчи разрядли Евгения Манюкова ва спорт мастери Ирина Фатеевани мағлубиятга учратиб, фахрий шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди.

Шу куни аралаш жуфтликда финал иштирокчилари аниқланди. Бу разряддаги ҳал қилувчи учрашувда москвалик Наталья Бикова,— киевлик Сергей Грималький ва львовлик Татьяна Худа—ужгородлик Иосиф Крочко беллашадиган бўлди.

Шундай қилиб турнир қатнашчилари яна уч бош соврин учун ҳал қилувчи учрашувларни ўтказишади.

БИЛДИРИШ

Лекция пропагандасида пропаганданинг техник воситаларини қўллаш методикаси бўйича факультет тингловчилари диққатига.

24 апрель куни соат 17.00 да Лекторлар уйида (Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 13-уй) «Ярим экранли қўлланиш методикаси» мавзуида лекция бўлади. «Билим» жамияти лектори В. Чернова. Лекция текстига ёзилган овозларни киритиш бўйича амалий машғулотлар. Раҳбар — «Билим» жамияти лектори М. Золотова.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИДА

23—25 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

ХОТИН-ҚИЗЛАР ЁЗГИ КЎЙЛАКЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Савдо-кўргазмасида ацетат шойи, хон атлас, шифондан, чет эллардан келтирилган трикотаж полотноларидан тикилган кўйлаклар сотувга қўйилган.

Кўйлаклар ранг-баранг фасонларда: пастга қараб қирқимли, безакли жияклар тутилган; эркин қиёфали, кўксида жимжимали; костюм-кўйлаклар.

Миллий кўйлаклар ҳам кенг кўламда сотувга қўйилган.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ (телефон 55-39-66).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ҚАДРЛИ ЎРТОҚЛАР!

ҚУВОНЧЛИ БАҲОР БАЙРАМЛАРИ 1 МАЙ ВА ҒАЛАБА КУНИ ЯҚИНЛАШМОҚДА!

ПОЧТАДАН ЮБОРИЛАДИГАН ТАБРИКНОМАЛАРНИ СЎНГГИ БАЙРАМОЛДИ КУНЛАРИГА ҚОЛДИРМАНГ.

Топшириш муддати кўрсатилган табрик телеграммаларини бошқа шаҳарларга юбориш учун 27 АПРЕЛГАЧА, маҳаллий жойларга эса 29 АПРЕЛГАЧА, Ғалаба куни муносабати билан бошқа шаҳарларга юбориш учун 6 МАЙГАЧА, маҳаллий жойларга эса 7 МАЙГАЧА

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТЕЛЕГРАММАЛАРНИ ЖЎНАТИШДА ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ ВА ЖЎНАТУВЧИГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИГАН АЛОҚА БЎЛИМИНИНГ НОМЕРИНИ АЛБАТТА КЎРСАТИНГ.

Қабул қилувчи ва жўнатувчининг почта йўлланмаларида мўлжалланган пункт номидан олдин 6 рақамли почта индексини, мўлжалланган пунктдан кейин эса алоқа бўлимининг номерини кўрсатинг.

Мактублар, откриткалар, почта карточкаларини қабул қилувчининг адресига тегишли 6 рақамли почта индексини конвертнинг пастки чап бурчагида махсус ажратилган сеткада аниқ рақамлар билан кўрсатинг, адрес ёнида эса алоқа бўлимининг номерини ёзинг.

Жўнатувчининг адресида ҳам 6 рақамли почта индексини кўрсатишни унутманг.

Мактубларни фақат 114x162мм, 162x229 мм ва 229x324 мм ҳажмидаги стандарт конвертларда жўнатинг.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 5 ой.

Ўқиш давомида курсантларга ойига 70 сўмдан стипендия тўланади.

Елғизлар эса ётоқхона билан таъминланади.

Ҳайдовчиларга 50 процент арзонлаштирилган нархда махсус кийим-бош берилади. Уларнинг фарзандларига кираётганларида тегишли имтиёзлар берилади.

Депо ходимлари шаҳар территориясида электр транспортда бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНИДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Адрес:, Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 28-уй, кадрлар бўлими.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

электр-газ пайвандчилар, пармаловчилар, фрезерчилар, силлиқловчилар; йиғувчи-слесарлар, штамповкачилар, прессловчилар, қолипчилар, қуювчилар, тракторчилар, автоматчилар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг
153- ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

дипломли пайвандчилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, бўёқчилар, темир-бетон конструкциялари монтажчилари, бетончилар, турли ишларни бажарувчи ишчилар, кошинкорлар.

Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

альфрейчи-бўёқчилар, қимматбаҳо ёғочга гул солувчи-дурадгорлар, ганч бўйича кесувчи ва нақшкорлар, сувоқчи-кошинкорлар, ғишт терувчилар-тош йўнувчилар, мўйқалам усталари-безакчилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 53-уй.
Киров район пункти— Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти— Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

ИВАСИ—ЭНГ МАЗАЛИ СЕЛЬДЬ!

БУ НОРДОН, ЁҒЛИ, УНЧА ШЎР БЎЛМАГАН СЕЛЬДЬ КУНДАЛИК ВА БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ АТРОФИДА ЯХШИ ИШТАҲА ОЧАДИ.

Иваси — қуюқ овқатлар турини кўпайтиради,
иваси — болалар ва катталар учун фойдали.

Моҳир уй бекаси қўлида — бу ўнлаб таомлар демакдир: бутербродлар, салатлар, фаршмаклар, турли қуюқ таомлар.

Иваси сельди —юксак озуқа қимматига эга балиқ. Унда 16—19 процент ёғ ва 6 процентдан 25 процентгача оқсил мавжуд. Унинг ёғи ажойиб кислоталарга бой бўлиб, ёшлар ва кексалар учун фойдалидир. «А» витаминига бойлиги кўриш қобилиятининг яхшиланишига ижобий таъсир ўтказади. Ивасидан кўплаб хилма-хил закуска ва таомлар тайёрлаш мумкин.

ЯХНА ТАОМЛАР ВА ЗАКУСКАЛАР

Яхна таом ва закускалар тайёрлаш учун турли хил янги узилган, тузланган ва маринадли сабзавотлар, мевалар ҳамда тухум, пишлоқ ва бошқа маҳсулотларнинг хилма-хил турларидан фойдаланинг.

Иваси сельди қўшилган закускаларга зиравор сифатида майонез, маринад, мурч ва бошқа нарсаларни қўшиш ўринли бўлади.

Бутербродлар яхши закуска бўлиб, уй дастурхонини хилма-хил қилишда қўл келади.

Бир неча салат ва бутербродлар рецептини тавсия этамиз: оқ ёки қора нонга сарёғ суртиб, устига 2—3 паррак қайнатиб пиширилган картошка, 2 бўлак иваси сельдидан тайёрланган филе қўйинг, майонез қўшинг ва кўкат япроқлари билан безанг.

Кичикроқ бўлак жавдари нонга пиёз ва майдаланган тухумли ёғ суртинг, устига суякчалардан тозаланган иваси сельди бўлакларини, сўнгра айлана тарзида қирқилган янги бодринг қўйинг.

Нон бўлакларига ёғ суртиб, майда тўғралган иваси сельдининг филесини унинг устига уюб жойлаштирингда, қирғичда майдаланган пишлоқдан сепинг.

Уч бўлак нонга 3 ош қошиқ қирқилган иваси сельди, 3 чой қошиқ пишлоқ майдаси, 2—3 чой қошиқ сарёғ лозим бўлади.

ИВАСИ СЕЛЬДИДАН ТАЙЁРЛАНГАН «ҚИШ» САЛАТИ

Қайнатилган картошка, тузланган бодринг паррак қилиб, бошли пиёз яримой қилиб, қайнатилган сабзи айлана қилиб қирқилади, қайнатилган тухум майдаланади, консерваланган аччиқ бўлмаган қалампир сомон тарзида кесилади, кўк пиёз 0,5— 2 см. қалинликда, тузланган иваси сельди майда бўлакчаларга ажратилади. Уларнинг бариси аралаштирилиб, консерваланган кўк нўхот қўшилади. Салатга майонез ва сметана билан ишлов берилади, сўнгра ликопчага уюб солинади, кўк пиёз, тузланган бодринг, сабзи билан безатилади.

Бунинг учун 3 дона картошка, 1—2 тузланган бодринг, 1—2 бош пиёз, 2 дона кўк пиёз, 2 дона қизил қалампир, 1 сабзи, 2—3 ош қошиқ кўк нўхот, 2 та тухум, 2 ош қошиқ майонез, 2 ош қошиқ сметана, таъбга кўра туз лозим бўлади.

МАЙДАЛАНГАН ИВАСИ СЕЛЬДИ, КАРТОШКА ВА ТУХУМ САРИҒИ БИЛАН

Иваси сельди филеси мясорубкадан картошка ва тухум сариғи билан чиқарилади. Тарелкага солиниб, балиқ шаклига келтирилади, устидан сметана қуюлади, майдаланган тухум сариғи сепилади, қирқилган кўк пиёз билан аралаштирилади.

«ТЎН» ОСТИДАГИ ИВАСИ СЕЛЬДИ

Иваси сельди суякчалардан ажратилиб, майда қирқилади. Тарелкага қирқилган ёки йирик қирғичдан ўтказилган иваси, қайнатилган лавлаги, картошка, тузланган бодринг, тухум алоҳида қават-қават қилиб терилади. Таомга майонез билан ишлов берилади. Хоҳишига кўра баъзи сабзавотлар пиёз ва олма билан алмаштирилиши мумкин.

ИВАСИ СЕЛЬДИ ТУХУМ БИЛАН

Териси ва суякларидан ажратилган иваси сельди филесини сутга бўктириб қўйинг. Қайнатилган тухумни тозалаб, кўндалангига иккига ажратасиз, бунда унинг бўлаклари ликопчада мустаҳкам ўрнашиб туриши лозим. Филени сутдан чиқариб салфетка билан қуритинг ва бўлакларга ажратинг. Ликопчага тухум сариғини юқорига қилиб жойлаштиринг, ҳар бир бўлаги устига иваси қўйинг. Қоғоз трубкадан майонезни тухум устига оқизинг ва таомни кўкат япроқлари, кўк пиёз, помидор ёки бодринг парраклари билан безанг.

Иваси сельдининг ёғли аралашмалари организмга яхши синггади, мазали ва иштаҳабопдир.

СЕЛЕДКА ЁҒИ

Иваси сельди филесини икки бор мясорубкадан ўтказинг, майда тишли қирғичдан сарёғ ёки маргарин билан чиқаринг ва бир хилдаги аралашма ҳосил бўлгунга қадар аралаштиринг.

Бунинг учун 100 грамм сарёғ ёки маргарин, 2—3 та кичик сельд филеси керак бўлади.

ХУЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ «УЗРИБПРОМСБИТ» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ УЛГУРЖИ БАЗАСИ.

МАВСУМИЙ САВДО ҲАММАГА ФОЙДАЛИДИР!

КУЗГИ-ҚИШКИ АССОРТИМЕНТДАГИ МОЛЛАРНИНГ

БАҲОРГИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

5 МАЙГАЧА

БИЗНИНГ МУХБИРИМИЗ ТОШКЕНТ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ ЎРИНБОСАРИ РИММА ҚАЮМОВНА АЛИМОВАДАН МОЛЛАРНИНГ МАВСУМИЙ СОТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ҲИКОЯ ҚИЛИБ БЕРИШНИ СЎРАДИ:

— мамлакатимизда йилига икки марта мунтазам мавсумий савдо ўтказилиб туриладиган бўлди: февраль-апрель ойларида — кузги-қишки ассортиментдаги моллар, август-октябрь ойларида — баҳорги-ёзги ассортиментдаги моллар.

— БИЗНИНГ ШАҲРИМИЗДА МАВСУМИЙ МОЛЛАР САВДОСИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН?

— Мамлакатимизда мавсумий моллар савдоси биринчи марта ўтказилмоқда. Пойтахтнинг савдо корхоналари бу муҳим тадбирга ҳар томонлама масъулият ҳисси билан муносабатда бўлмоқдалар, катта тайёргарлик ишларини олиб бордилар.

Баҳорги савдога 1 мартга қадар 6,5 миллион сўмликдан зиёд бўлган моллар тайёрланди. Уларнинг баҳоси камайтирилганидан кейин 4 миллион сўмни ташкил этди. Шундай қилиб тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари, яхши, сифатли молларни харид этиб, 2 миллион сўмдан зиёд пул тежаб қоладилар.

БАҲОСИ КАМАЙТИРИЛГАН МАВСУМИЙ САВДОНИНГ УЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

— Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бу сотиш — молларнинг баҳосини арзон-гаров қилиш эмас. Мавсумий савдо — замонавий моделдаги ва яхши сифатли, лекин турли сабабларга кўра мавсумнинг қизғин палласида ўз харидорини топа олмаган моллар савдосидир. Мавсумий савдо даврида бу молларнинг баҳоси 40 процент камайтирилган, шунинг учун ҳам ана шу иккала тушунчани чалкаштириш — баҳосини пасайтириш ва арзонлаштириш — тушунчаларини тўғри маънода тушуниш лозимдир.

Агарда сиз мавсумда керакли молни сотиб олмаган бўлсангиз — мавсумий савдода сиз уни бир мунча арзон нархда сотиб олишингиз мумкин.

МАВСУМИЙ САВДО ҲАММА УЧУН ФОЙДАЛИДИР!

Саноат учун бу ассортиментни янгилаш борасида, сифатини яхшилаш борасида қўйилган қадам бўлса; савдо учун эса бозор фондининг янада фаол тақсимланиши билан шуғулланиш, молларнинг йиғилиб қолишига йўл қўймасликдир; аҳоли учун эса — оила бюджетининг реал тежамкорлигидир.

— РИММА ҚАЮМОВНА, БАҲОРГИ САВДОДА ҚАНДАЙ МОЛЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ МУМКИН?

— Бу Ўзбекистон ССР Енгил саноати корхоналарида ишлаб чиқарилган кузги-қишки ассортиментдаги моллар: эркаклар ва хотин-қизларнинг жунли ва жун аралаштирилган газламалардан тикилган (қишки ва мавсумбоп) пальтолари, эркаклар ботинкалари ва калта қўнжли этиклари; хотин-қизлар этикларидир.

Арзонлаштирилган баҳолардаги молларни қуйидаги магазинлардан сотиб олишингиз мумкин: «Чилонзор» марказий универмагида, Фрунзе савдо марказида, «Шуҳрат» мактаб-магазинида, ЦУМда, ГУМда, «Таштекстильшвейторг» ва «Ташобувьторг»нинг магазинларида.

КЎПГИНА МАГАЗИНЛАРДА МАВСУМИЙ САВДО УЧУН МАХСУС СЕКЦИЯЛАР АЖРАТИЛГАН.

Қуйидаги магазинларда молларнинг баҳорги савдоси яхши йўлга қўйилган:

28 —«ТАШОБУВЬТОРГ»— Ш. Руставели кўчаси, 144-уй;

7 — «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» — Бешёғоч бозори;

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА ва бошқа жойларда.

БАҲОСИ АРЗОНЛАШТИРИЛГАН МОЛЛАР САВДОСИ УЧУН БИР НЕЧА КУН ОЛДИН 500 МИНГ СЎМЛИКДАН ЗИЁД МОЛЛАР САВДОГА ЧИҚАРИЛДИ.

МАВСУМИЙ САВДОДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-68-83).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

25 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

«СУВДА ЦИРК»

МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА ҚИЗИҚАРЛИ ПРОГРАММА КЎРСАТИЛАДИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари соат 11, 15 ва 18.30 да бошланади.

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАЛАРИ ИШЛАМОҚДА.

44-35-91 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.
Кассалар соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

ТВ

душанба

23 АПРЕЛЬ

● МТ I

17.40 «Ватан ҳимоячиси бўл». «Сен қонунни биласанми» туркумидан.
18.30 «Онамларнинг мактаби».
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар».
20.05 «Ретро». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театри фильм-спектаклининг премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Ретро» фильм-спектаклининг давоми.
23.05 «Збигнев Водецкий студияда». Польшадан олиб кўрсатилади.
23.30 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Биргаликда аҳил оиламиз».
19.10 «Тибет медицинасининг сирлари». Илмий-оммабоп фильм.
19.30 — 20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Кўчма фронт». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 «Ўсмир ва қонун».
18.55 «Фан уфқлари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ҳарбий оркестр сафда». СССР Мудофаа министрлиги алоҳида-намунали оркестри ижро этади.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ниқобсиз сионизм». Видеофильм. 1-серия (рус.).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ниқобсиз сионизм». Видеофильм 2-серия (рус.).
22.40 В. Гюго. «Қиролнинг дилхуши». Телеспектакль.
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Севан ҳақида қисса». Телефильм.
19.00 Врач маслаҳати.
19.15 «Қизиқарли математика».
19.45 «Боғ маржони». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ҳамкорлик». Телефильм.
20.40 Ёшларнинг халқаро бирдамлик кунига. «Биз тинчлик тарафдоримиз!» Ўзбекистон ижодкор ёшларининг урушга қарши митинги.
21.30 МТ II.

сешанба

24 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Буратино кўргазмаси».
10.05 А. Галин. «Ретро». Фильм-спектакль.
12.25 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Анъаналар ворислари». Телефильмлар: «Экибастуз учун кадрлар» (Олмаота), «Томди қалдирғочлари» (Тошкент).
16.00 «Тоғлар куйлаганда». Фильм-концерт премьераси.
16.20 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
16.50 А. Мицкевич. Сонетлар.
17.25 «Горнчилар, қаердасиз!».
17.55 «Стадион ҳамма учун».
18.25 Керакли юкнинг оғирлиги йўқ». Телефильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильмлар.
19.55 «Фан ва турмуш». Фан ва техника соҳасида 1984 йилги Ленин мукофотининг лауреатлари.
20.45 Халқ хорларининг II Бутунроссия кўриги. Волга Давлат рус халқ хорининг чиқиши.
21.30 «Время».
22.05 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевизион викторина.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Командировка». Телефильм.
12.05—12.40 «Шахмат мактаби».
14.10 «Декабристлар ҳақида ҳикоялар». И. Пушчин.
15.10 «Объективда — ҳайвонлар. Бўрилар оиласи». Илмий-оммабоп фильм.
15.30 «В. Шекспир». 1-қисм.
16.15 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
20.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Крылья Советов»—«Динамо» (Москва). 2- ва 3-даврлар.
21.30 «Время».
22.05 «Қўғирчоқдай». Беш се
ли телевизион б
фильм премьераси (Поль
Б. Прус романи моти
асосида. 1-серия.
23.20 Хоккей бўйича СССР
пионати. «Спартак» —
тор». 3-давр.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Пионерлар мамлакат
(рус.).
19.05 «Миллионлар ленинча
верситети». «Тежамкор
коммунистик фазилат
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ёшларнинг Халқаро бирд
лик кунига. «Интернацио
дўстлик клуби».
20.30 «Ахборот».
20.50 ЎзССР халқ артисти Х.
нова ва ЎзССРда хизмат
сатган артист Т. Саъдулл
концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пиллачиларнинг шу
муҳим вазифалари».
22.20 П. Қодиров. «Олмос камар
Видеофильм. 1-қисм.
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 —15.15 МТ II.
18.15 Кўрсатувлар программ
18.20 Ўқитувчилар учун консу
ция.
18.50 «Қўлни бер, ўртоқ!»,
шинчи — меҳнат чор
Ёшларнинг Халқаро бирд
лик кунига бағишланган
нопрограмма.
19.30 Ўқув программаси (рус
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқув программаси (рус
21.00 «Адигейлар тупроғида
лефильм.
21.30 МТ II.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ
ДАВЛАТ АКАДЕМИК
ТЕАТРИДА — 24/IV да

ҲАМЗА НОМЛИ
ДАВЛАТ АКАДЕМИК
МА ТЕАТРИДА —
Зебуннисо.

МУҚИМИЙ НОМЛИ
ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ
ТРИДА— 23/IV да
нинг нозанин маликаси.

кино

23 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ҚАСОС ВА ҚОНУН
Санъат саройи (18.30,
телефон 44-21-74),
(18.30, 21.00, телефон
20), **Қозоғистон** (17, 20.0
21.00, телефон 35-24-92),
ба, (17, 20.00; 18, 21.00
фон 66-15-75), **Нукус**
21.00, телефон 46-70-69
тан (18, 21.00).

«СЕВАМАН ВА КУТА
СЕНИ, ЛЕНА» —
(жуфт соатларда, телеф
14-61), **М. Шайхзода**
(тоқ соатларда, телефон
74).

«ХОТИМА» —**Искра**
соатларда, телефон 39-1

«САЪВАЛАР УЧУН
ФАС» — **Лисунов номли**
соатларда, телефон 96-3

«ИНГЛИЗ КАРАБИН
ГИ УЧ ГИЛЬЗА» —
Советининг 50 йиллиги
(жуфт соатларда, телефо
47-25).

«ЁШЛИК РЕЦЕПТИ»
ВЛКСМ 30 йиллиги
атларда, телефон 33-4
Тинчлик (жуфт соатларда
лефон 58-36-06).

24 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«ҚАСОС ВА ҚОНУН
Санъат саройи (11, 13.30
18.30, 20.45, телефон 44-2
Чайка (11, 13.30, 16,
21.00, телефон 77-06-20),
ғистон (11, 14, 17, 20.00;
15, 18, 21.00 телефон
92), **Дружба** (11, 14, 17,
12, 15, 18, 21.00, телефо
15-75), **Нукус** (11, 13.30,
18.30, 21.00, телефон
69), **Ватан** (12, 15, 18,

«СЕВАМАН ВА КУТА
СЕНИ, ЛЕНА» —
(жуфт соатларда, телефо
14-61), **М. Шайхзода**
(тоқ соатларда, телефон
74).

«ХОТИМА» —**Искра**
соатларда, телефон 39-14

«САЪВАЛАР УЧУН
ФАС» — **Лисунов номли**
соатларда, телефон 96-34

«ИНГЛИЗ КАРАБИН
ГИ УЧ ГИЛЬЗА» —
Советининг 50 йиллиги
(жуфт соатларда, телефон
47-25).

«ЁШЛИК РЕЦЕПТИ»
ВЛКСМ 30 йиллиги
атларда, телефон 33-4
Тинчлик (жуфт соатларда
лефон 58-36-06).

Сирдарё область, Сирдарё
районидаги 19-ўрта мак
томонидан **Юлдашев**
номига берилган 847
номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

---

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
БЕТ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома КП
Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-5
шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва
ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

23 АПРЕЛЬ, 1984 й.

Р—09207. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11